



# МАНАЛЛА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАХАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 40-41 (267-268)

2001 йил 10 октябрь, чоршанба

Газета 1996 йил январ ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

## УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТАСИДА ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Шу йил 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Икки давлат раҳбарлари АҚШ ва Буюк Британия томонидан

Афғонистон ҳудудидаги террорчилик базалари ва лагерларини йўқ қилиш операцияси бошлангани муносабати билан минтақада юзага кел-

ган вазият ҳамда воқеаларнинг кейинги ривожини юзасидан фикр алмашди.

Мулоқот чоғида Украина Президенти ўз мамлакатининг ҳукумати юзага келган вазиятда, зарурат туғилса, Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам беришга ва уни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилди.

Икки мамлакат Президентлари, шунингдек, ўзларини қизиқтирган бошқа муҳим масалалар юзасидан фикр алмашди.

(ЎЗА)

### Муносабат

## ҚЎШНИНГ ТИНЧ - СЕН ТИНЧ

АҚШнинг Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида 11 сентябр куни содир этилган террористик ҳаракатлар бутун жаҳон аҳлини ларзага солди. Бунга жавобан Америка Қўшма Штатлари халқаро коалиция ҳамкорлигида Афғонистондаги халқаро терроризм базалари ва лагерларини тағ-томири билан йўқотиш учун ҳаво ҳужуми бошлади.

Қўшни мамлакатда содир бўлаётган воқеалар, табиийки, тинчлик ва хотиржамликда яшашга қўшиқиб қолган ҳамюртларимиз, жумладан, Афғонистон билан чегарадош сурхондарёликларни ҳам бефарқ қолдираётгани йўқ.

Маматқул ЭСОНОВ - Сурхондарё вилоят Маънавият ва маърифат маркази раҳбари:

Авалло шунинг айтишим керакки, биз яшаётган Термиз шаҳри билан қўшни Афғонистон ўртасида Амударё оқиб ўтади.

Шукурлар бўлинки, дийримизда тинчлик, осойишталик. Халқимиз яратувчилик меҳнати билан банд. Лекин дарнинг нариги соҳилида, мана, йитирига йилдан ошиб-

дики, нотинчлик ҳукм суриб келяпти.

Уруш, биродарқушлик жанглири бир ёниб, бир ўчиб турибди.

Оддий халқ бошига тушган балолар сон-саноксиз. Тинчликсевар инсониятни ларзага солган халқаро терроризм деган оғат ҳам шу заминда макон қуриб олган.

Биз қўшни давлатда тинчлик бўлишини, у ерда рос-мана, конуний давлат тикланишини, худудидан ҳар

қандай ватанфурушларга бошпана берилмаслигини истаймиз. Халқаро терроризм ўчоғининг кулини кўкка совириш мақсадида амалга оширилаётган АҚШ ва Буюк Британия давлатларининг ҳарбий ҳаракатлари ниҳоят бу жабрдийда мамлакатда тинчликка олиб келади, бутун дунё аҳлини, шунингдек, жафокаш афғон халқини ҳам террор балоси қўлфатларидан озод этади, деган умиддамиз.

Менинг фуқаро сифатидаги фикрим шуки, Президентимиз ва давлатимизнинг халқаро терроризмга қарши тутаётган оқилона йўли халқимизнинг тинчлик ва барқарорлик йўлидаги интилишларига мувофиқдир.

Норбой ҳожи СУЛТОНОВ - вилоят ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаси академик лицейлар бўлими бошлиғи:

Афғонистондаги воқеалар ҳаммамизни хушёрликка қорлайди.

Чори ТҲХТАЕВ, ЎЗА муҳбири.

### «АЙБИМНИ ЮВАМАН!»

Мен пул кетидан қувиб содир этган ноқонуний ишларим учун уч ярим йилга қамалгандим, - дейди Шовот тумани Хитой қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, 1980 йилда туғилган Қувондиқ Бобожонов. - Панжара ортдагилар, шаҳсан мен учун амнистия ҳақидаги Фармон қайта ҳаёт бахш этувчи фарахбахш шуъла бўлди. Бунинг учун Президентимиздан мингдан минг розиман. Энди ўз айбимни ювиб, Ватанга, халқимизга ҳалол хизмат қиламан. Меҳнатим билан ўз айбимни юваман.

Ҳа, бугун қамоқхоналардан озод бўлаётган минглаб кишилар Президентимизга чин дилдан миннатдорчилик билдириб, дилда эзу-умидлар билан оилаларига қайтишмоқда. Ёлғиз қолган аёллар, отасидан ажраган минглаб болаларнинг юзлариндан ғам-қайғу кўтарилиб, уларнинг ўрнини севинч, шодлик ҳислари эгаллапти.

Хоразм вилояти.

Қодир МУЛЛАЕВ.

### Бугуннинг гапи: амнистия

лашиш масъулиятини юклайди. Айнан бизнинг маҳалламизда эса бу борада худудий ноziрларимиз - Д.Тургунов ҳамда О.Давлатовлар ва маҳалла фаоллари иштирокатида бир қатор доимий тадбирларни белгилаб олди. Хусусан, амнистия бўйича озод этилган фуқароларни рўйхатга олиш ва тўлиқ тиббий куридан ўтказиш, уларнинг оилавий шароитларини ўрганиб чиқиб, ишга жойлаштиришга ёрдам бериш, чора-тадбирларини режалаштириб олдиқ ва уни бажаришга киришдик.

Тўғри, авф этилганларнинг ҳаётларини қай йўсинда давом эттиришлари энг аввало ўзларининг сай-ҳаракатларига боғлиқ. Бинобарин, улар бизнинг замонамизда, қолаверса, уларнинг хатоларини шаҳсан Президентимиз авф этган эканлар, озод этилганларнинг жамиятга ўз ўрнини топишида сизу бизнинг, яъни қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг таъсири ҳам жуда муҳимдир. Зеро, хато қилган инсондан юз ўгириши эмас, унга хатосини тузатишга имкон бериш олийжанобликдир.

Мирзоали ЖҲРАЕВ, Мирзо Улугбек тумани 8-Бўз маҳалласи оқсоқоли.

### Сийловдан сайловга...

## ҲАҚИҚАТ ТИКЛАНДИ, ЛЕКИН...

Маълумки шу йилнинг май-июн ойларида Республикасимизнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлими маҳаллаларда фуқаролар йиғини раисларини ва маслаҳатларини сайлаш бўйича ҳисобот сайловлар бўлиб ўтди. Шундай сайлов Чироқчи туманидаги Ўзбекистон маҳалласи ҳам бўлиб ўтган эди.

2001 йил 25 май куни маҳалламиз фаоллари иштирокатида ҳисобот сайлов йиғилишида ўтказилди. Унда туман ҳокимлигиндан вакил қатнашди. Маҳалламизнинг раиси Тошпўлат Ҳасанов ўзининг маҳаллада олиб борган фаолиятини бўйича ҳисоб берди. Ҳисобот бўйича 9 киши

сўзга чиқди ва йиғилиш раисининг иш фаолиятини қониқарли деб топди. Навбатдаги сайловга келганда ҳоким муовини Э.Усанов йиғилган маҳалла аҳлининг истагини инобатга олмасдан, аввал «Бозоркум» раиси бўлиб ишлаган ва кейинчалик бекор юрган Жуманазар Қаҳрамоновнинг номзодини раисликка қўйди. Бундан йиғилишга тўпланган фуқаролар қаттиқ норози бўлишди. Э.Усанов эса барибир Ж.Қаҳрамоновни маҳаллага раис деб эълон қилди. Муҳтарам Президентимиз айтганидек барча нарсатга чинайдиган, аммо адолатсизликка чинадмайдиغان халқимиз бундай гайри-қонуний ҳолатдан норози бўлди ва туман ҳокимига, вилоят ҳокимлигига, «Mahalla» газетасига шикоят эшига мажбур бўлди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Чироқчи туман прокуратурасига ва туман фуқаролик судига мурожаат қилди.

Ниҳоят шунча мурожаатлардан сўнг 7 сентябр куни маҳалла фуқаролар йиғинида қайта сайлов ўтказилди. Раисликка икки нафар номзод қўйилди. Бирини шу маҳаллада 1987 йилдан буён аввал котиб, кейин раис бўлиб ишлаб келган Тошпўлат Ҳасанов, иккинчисини «Табассум» ошхонаси ҳисобчиси Сайдулла Халилов эди. Йиғилишда 40 та вакилдан 28 киши қатнашди ва шундан 23 нафар Тошпўлат Ҳасанов учун овоз беришди. Шундай қилиб ҳақ жойида қарор топди. Маҳалламиз аҳли ҳақиқат устунни эгилди, лекин синамаслигига яна бир бор амин бўлишди. Нега биз ўз маҳалламиз раисини бунчалик қаттиқ туриб ҳимоя қилдик. Чунки у қарийб 15 йилдан буён маҳалламиз аҳлига беиннат хизмат қилиб келаятган ҳалол пок инсон. Маҳалладаги ҳар бир оилани яхши билади. Баъзи маҳалла раисларига ўхшаб манави амалдор, манави оддий одам демасдан ҳамматга бирдек му-

носабатда бўлади. Маҳалла учун ажратилган маблағларни оқилона тарқатишга ҳаракат қилади. Маҳаллани ободонлаштиришда, ҳар хил маданий-тарбиявий тадбирларни ўтказишда ҳамма бош-қош. Бир сўз билан айтганда кечаю кундуз одамлар орасида, маҳалла ташвишида астойдил елиб-югуради. Афсеки шундай одамни ҳокимият бутун маҳалла аҳли таянб туршига қарамасдан номзодини қўймади, уни қарийб 4 ой сарсон қилишди. Унга моддий ва маънавий зиён етказилди.

Хурматли тахририят! Биз 3-ой овора бўлсакда ҳақиқатни рўёбга чиқаришга эришганидик. Аммо маҳалламиз оқсоқолини бўшатилган ўринишлар аввал ҳам бўлган эди. Биз бир нарсатга тушунайми. Нима учун халқнинг меҳрини қозongan, унинг кўнглидан чиққан маҳалла раисини туман ҳокимлигидан ўртоқларга ёқмайди. Ўзимизга муносиб раисни биз сайлашимиз ўрнига улар ўзларига мос одамни раисликка тикиштиришди. Бир маҳалла аҳлини 3-8 ойлаб овора қилган Э.Усанов маҳалла аҳлиси билан кечирим сўрашини ўзинга эп кўрмади. Бундан гайриқонуний хатти-ҳаракатлар бошқаларга ўрнатқ бўл-



Алпомиш авлодлари

## УЧ ОҒА-ИНИ ЧЕМПИОНЛАР

Донишмандлардан бири: «Эр киши мо унинг оиласида бир эмас, уч ўғил воя-ҳаёти давомида албатта уч нарсатга - га етаётганини аниқ биламиз. Уч эмас, битта бўлса ҳам мевади дарахт кў-қуртиришга, битта бўлса ҳам иморат ҳам бор-ку, дейишигиз мумкин албат-қуршига, битта бўлса ҳам ўғлини тарбиялаб эл қаторида қўшишга улгуриши лари шуки, уларнинг ҳар бири қаратэ бўйича бир неча мартабала жаҳон чемпиони бўлишган! Ҳақиқий «Чемпионлар ни, ё иморат қурганини билмадису, ам-оиласи».



## Миллий эстрада: ИСЛОҲОТ ҚЎШИҚҚА ЖОН БЎЛСИН!

Вазирлар Маҳкамаси ўзбек миллий музыка санъатини янада ривожлантириш, ёш истеъод эгаларини қўллаб-қувватлаш, эстрада қўшиқчилигининг ютуқ ва тажрибаларини умумлаштириш, бадий юксак асарларни тарғиб этиш мақсадида «Эстрада қўшиқчилиқ санъатини янада ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилганига ҳам тўрт ойдан ошди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг ўринбосари, «Ўзбекнаво» эстрада бирашмаси Бош директори Баҳодир АБДУРАҲИМОВдан мазкур қарорнинг ижроси борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

Авалло, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган ушбу қарор миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада ривожлантириш, ёш иқтидорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш ишлардан бири бўлди, - дейди Б.Абдурахимов. - Айни пайтда у эстрада қўшиқчилигини борасида сўнгги йилларда йиғилиб қолган қатор муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилган билан ҳам аҳамиятлидир. Тажрибага таяниб айтиш мумкинки, кейинги йилларда эстрада санъати намояндалари, айниқса, ёш санъаткорларнинг ўз профессионал малакасини янада ошириши, уларнинг ўз иқтидорини тўла намойиш этиши учун зарур шарт-шароит яратилиш борасида мутасадди ташкилотларнинг имкониятла-

ри тўла сафарбар этилмади.

Оқибатда аксарият эстрада хонандлари шеврий матн танлаш, муносиқ мўлаштириш жараёнида янада овоз эшиш студияларида муайян қўйинчиликларга дуч келмоқда. Бу эса профессионал бас-такорлар, шоирлар, аранжировка усталари билан яқин ижодий ҳамкорлик самараси бўлмаган, мазмунан саёз, бадий жиҳатдан заиф қўшиқларнинг юзага келишига сабаб бўляпти. Энг ачинарлиси, масъулиятсизлик билан яратилган ва бир-бирини унчалик ҳам фарқ қилмайдиган саёз қўшиқлар ҳам катта концерт дастурлари, радио-телеканаллардан ўрин олмақда, аудио-видео кассетлар орқали тарқатилиб, маънавий тарбия ишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)



Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатуви» ҳиссасдорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

Тахририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, Масьул котиб: 136-53-75, Ижодий бўлими — 136-53-82.

Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.



Маҳалламизда шундай одамлар бор

# «ДИЛ БАЁРУ ДАСТ БАКОР» ОДАМ

**Халқ орасида Нуриддин Махсум деб танилган Нурали Ваҳобов асли бойсунлик бўлиб, 13-14 ёшида Кумқўрғонга иш қидириб келиб, шу ерда муқим яшаб қолганлар. Эмишки, ўша пайти ўспирин Нурали биринчи бор топган иш ҳақи - бир қоп уни елкасига ортиб, Кумқўрғондан Бойсунга яёв йўлга тушган ва неча кунда уйига кириб бориб, қопни падарининг олдига қўйиб, сўнг қаддини кўтарган экан...**

Хатиби домолуо яккао ёлғиз ўғли ҳақида «Фарзандим ҳалол ишлаб, ҳалол топиб, меҳнатининг нонини оиласига олиб келадиган бўлибди, демак, энди менинг вази-фам поёнига етибди», деб ҳулоса чиқарган ва саккиз жондан иборат рўзгорига бошчилик қилиш, едириб-ичиришни ўғли Нураддиннинг зиммасига юклар қўйган экан.

Бу йил Нуриддин Махсум деҳқончилик ва чорвачиликдан оиласига келадиган даромадином ҳомчўт қилаётган пайтларида кенжа ўғли «Ота шу йилги даромадимизга битта машина олиб қўйсак зўр бўларди-да!» деб қолди. Махсум жим. Катта ўғли гапга аралашиб: «Отам анчадан бери Ҳаж сафарини кўнгилларида туккадилар, энди борсалар ҳам бўларкан...» деб қўйди. Махсум яна индамади. Уғиллар рўзгордан 4 та ҳўкиз, 24 та бурдоқ қўқорни мол бозорига яхшигина пуллаб, сармоини отанинг қўлига топиришганда, Нуриддин Махсум жами даромад - 1 млн 256 минг сўмни белта тугди-ю қадқадир чиқиб кетди. Кўп ўтмай эса Жийдали маҳалласига хушхабар тарқалди. «Сув келди! Сув келди!» дея қичқиришди болалар. «Барака топсин!» дуога қўл очиши оқсоқлар. Хуллас, тўй-шодибна бўлиб кетди маҳаллада.

Кейинроқ эса, бу ҳақда Нурали Ваҳобов шундай ҳикоя қилиб берди:

- 1949 йилдан бўён шу Жийдали маҳалласида яшайман. Ушанда бу ерда хўжаликлар сони кам, борлари ҳам сув танқислиги туфайли кўчиб кетардилар. 1966 йилда маҳалламизга 27 дон балонди газ келтириб уринатган бўлсақ, 1963 йилда 14 та симбөг билан чироқ тортирдик. Уша пайтда маҳалламизга бор-йўғи 37 хўжалик яшарди. Аммо сув масаласи муаммо бўлиб қолаверди. 1994 йилга келиб, 117 хўжаликни ташкил бўлганида, маҳалла аҳли йиғилишиб, қишлоққа табиий газ ўтказишга рухсат бору, хом-ашё йўқ, дейишди. Хом-ашё масаласида бир амалдорга учрашганим, кувур тайёрлаш учун 126000 сўм пул келтиришни айтиди. Ушанда мўлжални Бу-хорога олдим. У ердаги дўст-биродарлар 100000 сўм эвазига газ трубадорини келтириб беришди. Бир ойдан сўнг эса, эртага рўза, деган кунни қишлоқда газ ён-

Кўз кўриб,

КУЛОҚ ЭШИТСИН!

## ДМИТРИЙНИНГ «БОЙЛИГИ»

**Термиз шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг бирида истиқомат қилувчи Б.Эргашев ишдан қайтиб келгач қарасаки, кўришишдан уйига ўғри тушганга ўхшайди.**

Аваллига ишонмади. Афсуски, кўнглига келгани тўғри экан, ўғри шип-шайдон қилиб кетибди. Номалым шахс нималарни олиб кетишга улгурибди дег. У ҳеч қим йўқли-гидан фойдаланиб бир дон тилло занжир ва сиргани, уч дон тилло узукни, радиотеле-фонни, 20 дон видеокассетани ҳамда уларнинг устига қўйиб 60 минг сўм пулни умариб кетибди.

Мол аччиғи, жон аччиғи, Б.Эргашевнинг ичига гулгула тушди. Вақтни бой бермасдан ички ишлар бўлимини содир бўлган ўғирликдан воқиф этди. Тузилган тезкор гуруҳи обдон ишлади. Қарангки, шунча нарсани умариб кетган Б.Эргашевнинг деморнинг кўши-си, бор-йўғи ўн беш ёшли ўсмир Дмитрий бўлиб чиқди. Б.Эргашев шундай бўлиб чиқади деб уйламагани каби одамлар ҳам Дмитрийнинг ёш бошига шунча нарсани сип-силлик ўғирлаб кетганига ҳайрон қолишмоқда.

Ҳайронлик, одамларнинг гап-сўзлари ўз йўлига, бироқ Дмитрий қилган ишидан анча мулзам тортиб қолди.

## ЎҒРИ РАИСНИ ТАНИРМИДИ?

**Шербод туманидаги «Қўлматбобо» деҳқон-фермер хўжалиги раиси Х.Раимназаров сўмсакага қарийб 259 минг сўмни жойлаб маъил томон байлихотир кетиб борарди. Баногоҳ орқа тарафдан ташланган одамлар раис бобининг кўлидаги пул тўла сўмни ҳаш-паш деғунча тортиб олиши-да, ғойиб бўлиши.**

Баногоҳ ҳужумга учраса ҳар қандай одам ҳам қўрқаркан. Ҳатто раислар ҳам. Биз айтган раис бобо ҳам қўрқмаган ҳужумдан қўрқувга тушиб, анча маҳаллага титроғи босилмай турди. Узини ўнглаб олгач, йўлни тўғри ички ишлар бўлими томон бурди. Бор гапни айтиди. Из-қуварлар йўлга тушдилар. Қарангки, ўғирлар ҳам бегона-лардан эмас экан. Улардан бири аввал ҳам «ўтириб» чиққан А.Ҳасанов ва унинг шериги Р.Тўхлиев экан.

Алқисса, раис бобонинг сўмсакадаги пулга кўз олайтирган икки дўст, икки биродар қилган ишлари учун тергов бер-ришяпти.

Хўш эндичи? Бу савол қаринсидан андак мулзам қолазми. Чунки...

Келинг яхшиси бир воқеани сўзлаб берай. Улуғбек урганчилик. Унинг касалдан онасию, ногирон уч нафар синглиси-дан бўлаб меҳрибони деярли йўқ. Қўрган хўр-лигини ҳаммадан кўпроқ ўзи биледи. Чидамасдан бошқа чора йўқ.

Бир кун туманлик раҳбарлар ногирон син-гиллари учун аравача олиб келишди. Оилада бир ба-ха бўлсин қувонч ҳукморон бўлди. Шунда уларнинг онаси ёлғиз ўғлининг уйлантиролмаётганидан, ўғлининг ёши эса ўтиб бо-раётганидан ёзғиради. Раҳ-

(Боши 1-бетда).

Аслида, тартиб билан айтсак, Абдумўмин акани-нг ўзи каратэ бўйича Ҳам-дўстлик Мамлакатлари бўйича икки марта ғолиб, иккинчи даражали «Қора белбоғ» соҳиби. Шу йили «Соғлом авлод учун» орде-ни билан тақдирланган.

## Алломиш авлодлари

# УЧ ОҒА-ИНИ ЧЕМПИОНЛАР

Оиланинг тўнғичи 13 ёш-ли Аъзам каратэ бўйи-ча ўсмирлар ўртасида уч маротаба Жаҳон чемпиони бўлган. АҚШ, Олмония, Ма-лдайзия, Шотландия, Венгрияда бўлган му-собақаларнинг муваф-фақиятли иштирокчиси. Иккинчи ўғил Фаррух тенгдошлари орасида ик-ки марта Жаҳон чемпио-ни, уч марта Жаҳон Ку-боги соҳиби бўлган. Кенжаотай Парвез эса, икки марта Жаҳон чемпио-

ни, икки марта Осиё че-пиони, уч марта юртимиз-даги тенгдошларидан «энг зўри» бўлган. Ака-укалар-нинг ҳар бирида йигирма-тадан ортиқ медал бор. Улар Бекободнинг Зафар шаҳарчасидаги 6-мактабда ўқишади: Аъзам 9-синфда, Фаррух ва Парвез 6-синф-

## Алломиш авлодлари



Спортчилар оиласи. Мавлуда ҚОСИМОВА.

да. Каратэ билан 4 йилдан деярли барчаси водопровод су-ви билан таъминланган, бироқ ёз вақтида сув босимини ка-майиб кетиши ва сувнинг кўп сарфлаш оқибатида баъзи хо-надонларда сув старли босим билан тушмай қолди.

## Хайрли иш

# ОҚЛОНДА ЯНГИ ҚУВУР

Тошкент шаҳридаги Оқлон маҳалласи аҳолиси уйлари деярли барчаси водопровод су-ви билан таъминланган, бироқ ёз вақтида сув босимини ка-майиб кетиши ва сувнинг кўп сарфлаш оқибатида баъзи хо-надонларда сув старли босим билан тушмай қолди.

Яқинда маҳалланинг А.Азимов кўчасида истиқомат қилувчи ўн нафардан ортиқ хонадон янгидан водопровод су-ви билан таъминланди. Улар ичиде уруш ва меҳнат ветеран-лари, кам таъминланган оилалар ва уруш ногиронлари бор, чунки бундан 50 йил ав-вал 1950 йилда олинган водо-провод трубадари ҳақиқатдан эскириб, тешилиб ва сув босими пасайиб кетган эди. Ушбу янги водопровод суви-ни олиб келишга жонбозлик кўрсатган меҳнат ветерани Рихисовий Ваҳобов бўлди. Бу-ндай хайрли ишга жон дили бил-ан бош қўйган маҳалла фу-қаролари йиғини раиси Ша-вкат Шоумаровдан маҳалла аҳлиллари мамнун бўлдилар.

Хизмат сафари билан Хоразмга бордим. Урганч ту-мани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбоса-ри Ибодулло Абдуллаев бил-ан энди остана ҳақлаб тур-гандик, ана шу йилги Улуғ-бекка дуч келдик.

- Ёшулли олдингизга келиб эдим,- деди у. Кейин маҳалладаги пул йиғишлар-ни тўхтатишни сўради.

- Кечда кел, ҳал эта-миз,- деди Ибодулло ака. Су-нгу ўз ишимиз билан маши-нага ўтирдик. Йўлда кетиш-ганим, кўз ўнгимдан котик жусулани, жовдирган, қўла-рини тикканча турган Улуғ-бек кетмасди.

- Энди нима бўлади?- сўрадим мен.

- Ҳал этамиз. Лекин бу боласи тушмагур ҳам жа ошириб юборити-да. Биз уни ўйласак, у бўлса пул йиғишларнинг йў-лига тўсиқ бўлади.

- Х-мм - дедим ўзимга ўзим гапиргандай. - Орият, орият... У қўзғалса нанкин тў-сиқ, балки дарё йўлидаги тўмон бўла олади мўмин.

Ҳоким ўринбосари мени-нгу ўз-ўзимга айтгандай гапирган бу гапимга ё тушунди, ё...

## Сайид ОЛИМ

— Келиннинг қулидан чой ичинг.

Юқори Чирчиқ тумани Миробод маҳалласи аҳли ҳаётидан.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ.



Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ.

## «Mahalla»га маҳалладан хат келди

# «ЁЗУВЧИ» НОМИНИ НЕГА ЯШИРДИ?

Начора ёзувчи деган ажойиб сўзимиз-ни қўширноққа олиб, шикоят ёзишни ўзи-га одат қилиб олганларини ҳам шу сўз бил-дан аташга ўрганиб қолганмиш... Юқори идораларга ёзилган хатлардан бирининг нуسخаси бизга-да етиб келди. Хатта унинг муаллифлари ўзларига нисбат қўллаган «азиятқўйлар», «езилганлар», «ночорлар» деган изохлар бор. Табиийки, бу хатта бе-фарқ қарамади. Ўрганишга киришдик. Таҳририятдаги иккинчи таққиллик ту-файли бўлган тўғриликларни ҳам бир четта суриб, манзил - Андижон вилоятининг Хо-нобод шаҳрига йўл олдик.

Шикоятчи Хонобод шаҳар раҳбарлари-дан нолиш бор: эмишки, ҳоким ҳеч қим-ни қабул қилмасини. Аиниқса, маҳалла оқсоқолларини одам ўрнида қўрмасмиш.

Рости гап, «Бўлса борар» деган муло-ҳазага бордик. Аммо суриштирушимиз чо-ғида ҳокимда бундай олагини учратмадик. Зеро, бизга ҳамроҳлик қилаётган Махсум Мусаевга ким дуч келмасин, ундан чўчи-мас, узини четта тортмас, аксинча эски қадаронлардай кўл сикдишарди.

Махсум Мусаевнинг феъл-ағали келганда у, шойрнано инсон экан. Сўзини Машираб газабли билан бошласа, Навоий маснавийи билан якушларди. «Навоий, Навоий» деди кўксига урган, аммо уша Навоийнинг бир мисрасини ёд биламайдиган раҳбарларнинг кўпини уратганмиш.

Шаҳардадаги сўлимлик, Шоҳ Бобур ра-воқи, Навоийнинг улкан портрети нанкин ҳокимнинг, балки бошқа раҳбарларнинг ҳам савқитабийлигидан далолат бериб ту-гарди.

«Ботибаланд»даги «Гуллар водийси» ҳа-қида гапирмасам ҳам бўлар. Аммо не чора-

# АРИЗАБОЗЛИКДАН МАҚСАД НИМА?

## ёхуд Андижон вилоятидан келган икки шикоят хатининг таҳлили

«Ёзувчи» тушмагур баъзи бир кўп қа-ватли уйларнинг айрим носозликларини дўмбюра қилиб келтирди.

Очиқ гап, хатдаги ёзилганларнинг кўп-лари тасдиқланди ҳам. Дейлик, Фитрат ма-ҳалласида жойлашган 131-уйнинг сув узати-чи уқуналари эскирганлиги боис бир муножа носозликлар тузилган. Қиш ойла-рида табиий газ босимининг пасайиб кети-ши туфайли хонадон эгалари фақат эле-ктрдан фойдаланишган. Натияжада электр симлари юқори даражадаги кучланишга дош беролмай, бир неча еридан узилиб кет-ган. Бу ҳақда энг аввало ҳақини шикоятчи-дан ё олдин, ё сал кейин ҳокимият ҳам хабар топган ва тегишли чора кўришга ки-ришган. Жумладан, биз борган пайтда ма-зкур кўп қаватли уй ҳар томонлама таъмир-лан чикши арафасида турарди.

Демак, ҳоким ҳам, бу ишга мутасадди бошқа ташкилотлар ҳам кўл қовуштириб ўтирган йўқ. Қизини, шундаки, шикоятга имзо чекканлар бутун туман ташвиши бил-ан безовта. Яъни туманнинг барча салбий ҳолат учун ҳокимнинг юзи қизаршини би-лишарди. Зеро, ўз-ўзиндан шикоятнинг мақ-сади ҳам сезилиб турибди.

Ажабланирмисиз таҳририятга йўланган хатта имзо қўйган 26 нафар кишининг би-рортаси ҳам шаҳар ҳудудидан топилмади. Аммо унинг «ёзувчи»си аниқланди. Чунки худди шу хатнинг бошқа бир нуسخаси юқо-ри ташкилотларга юборилган бўлиб, унинг остига 16 нафар киши имзо қўйган. Биз уларни учратдик. Бироқ улар мазкур хат маъмуридан мутлақо бехабарлиklarини айтишди. Имзо қўйишда айданганмиш,

## ХИСЛАТҲЎЖАНИНГ «ХИСЛАТ»ЛАРИ

Иккинчи хатни Асака шаҳрида яшовчи Хислатхўжа Ғозиёвдан олдик. Бу одам ма-ҳалладаши Азиҳаҳон Ҳошимовнинг боши-га тушган қулфатардан қуйиниб ёзар, бир қарашда унинг дарига шерикдек туюлар-ди.

1996 йил, ноябрнинг охириг кунлари эди. Шом пайти Байналмад маҳаллаеи-да яшовчи Икромжон Расулонинг дарво-заси таққилайдик.

Соҳиб эшикни очди. Остонада шу ма-ҳаллалик Мўминжон Ҳошимов турарди. У - Жон ака, анави ишни бир ёдик қил-ди бермасангиз бўлмайдик. Қарим бошим-дан оғиб кетди. Фойсалари ҳам туккадан тугиб ётибди. Ҳақдорлар эшигини тешиб юборишди. Агар ҳолимни сотиб олмасан-гиз узини осаман - дейди.

Маҳаллада бошқаларга қараганда пул-дорроқ саналган Икромжон бу гапга чор-лоқор қунади. Саъдо 250 минг сўмга пи-шиб, 4 декабр кунли шу ҳақдаги битим Да-влат натаруси орқали Икромжон Расулонинг ўғли Эркин Расулонинг номига рас-миёлаштирилди. Маҳалладошлар - Ортиқ-бай Ҳошимовлар, Валӣжон Абдуллаев, Сид-дикжон Усмонов, Орифжон Рўзиев, Руз-тамжон Абдуқодировлар гувоҳлигида бу-

## Хислатхўжанин

нинг сўм пул туланади. Қолаверса, номла-ри энг эртак оқсоқоллар томонидан Мў-минжон Ҳошимов ва унинг турмуш ўрто-ғи Азиза Ҳошимовлар ҳолимни сотмас-лик, ўзларининг кунига зарур эканлиги тў-ғрисида қайта-қайта оғоҳлантирилди. Би-рок...

1996 йил 27 декабрда қолган 150 минг сўм учун Икромжон Расулонинг ўғли Э-ркин Расуллага тегишли бўлган Навоий кў-часидаги 18-уй Давлат натаруси орқали Мўмин Ҳошимовга тегишли деб рас-миёлаштирилди. Лекин...

Орадан озроқ вақт ўтиб, Навоий кўча-сидаги 18-уй Асака шаҳар ҳокимининг қа-рори билан бузишга тушди. Бузишдан уй ҳажмига тенг янги уй М.Ҳошимовга бе-рилмайдик. Сабоби...

Шу воқеадан сўнг аралоқлик, судво-злик бошланди.

Хўш, бу жоғароларга Хислатхўжа Ғо-зиёвнинг нима дахли бор?

Сизга айтсак, чигал қалаванинги учини шу одамнинг қўлида. Касби ошпаз, аммо ҳу-қуқий «илми» унча мунча адвокатларни-кидан ҳам эмас экан. Чунки бу унинг бу-гунги ҳаёти манбаига айланган.

Маҳалладошлар Мўминжоннинг ҳоли-сини сотилиб кетишидан аслида Хислат-хўжанин хабари бор бўлган деб айтишди.

Тез орада у, Мўминжон Ҳошимовнинг отаси (марҳум) Абдуллоҳон Ҳошимовнинг руҳий носозлом бўлганлигини, бу касал-лик ирсийлигини рўқаб қилган ҳолда шиф-офорлардан Мўминжон учун ҳам руҳий носозлом деган ташхис олади. Натияжада Мўминжон руҳий носозломлиги яъни ҳуж-жат имзолагани ноқонглиги туфайли ҳо-ли-дларлар у оиласини тўй-ҳашамларга ўр-тақалик ҳамда хонадалик қилиб бо-қилишни ҳақиқатга жонли видео давҳа-

## Хислатхўжанин

ларни тақдим этишадик.

Хўш бу билан гапгадлар яқун топдим? Йўқ. Аксинча бўлгуси суд ҳукми қутил-моқда.

Давогад Азиза Ҳошимованинги вақил-лик ҳуқуқини Давлат натаруси орқали та-сдиқлашиб олган Хислатхўжа бу галги судда албатта ютиб чиқишга ишонмоқда. Чун-ки унинг қўлида Мўмин Ҳошимовнинг ота-си Абдуллоҳон Ҳошимовнинг руҳий но-созлом бўлганлиги ҳақидаги шифоқорлар ташхиси ҳамда бу одам томонидан ўғлига ҳолимни насий қилиб берилганлиги ҳақи-даги ҳужжатлар бор. Унинг режаси бўйича суд марҳум Абдуллоҳон Ҳошимов носоз-лом бўлгани учун унинг ўғлига қилган ме-рос қолдириш ҳужжатини бекор қилиши керак. Кейин эса, ундан кейинги бўлган олд-сотдан ҳам ўз-ўзидан бекор бўлади. Ле-кин биз суддан олдин ўз ҳулосамизни айта қолайлик: одатда, аиниқса, ўзбек оиласида уй соҳибининг соғлом носозломлигидан қатъий назар васиёндик асосан биринчи га-лда фарзандлар бўлади. Агарки, Мўминжонга ота берган ҳада нотўғри бўлса, қолган фар-зандлар ҳам нотўғри бўлади. Аммо ижро этиладиган ҳукми суд айтиди. Модомики суднинг ҳукми ҳам шу зайл бўлса, у ҳолда Икром-жон Расуллов тулган 250 минг сўм пулга уч тушиб қолсин муқарар. Хислатхўжанин мақ-сади эвабидан мана шу. Маъшоҳ чиндан ҳам ютиб чиқса... бу ёрнинг ўзи билди.

Биз эса ҳеч қарера ишламайлик, на он-и-лада ва на маҳалла кўйда обрўга эга бў-лган Хислатхўжанин «хислат»ларини оқи-батли оқир топишини, бундан ҳар икки томон ҳам энг қўрмаслигини истаймиш.

Ҳайронлигимиз: наҳотки ўзгаларнинг камчилиги ҳисобига кун кўрайдиганларин-инг бу хилги фаолиятга яқин ясашининг мавридан келмаган бўлса? Агар ҳимоялаш Хислатхўжаларга ўхшаганларга қолган бўл-са, у ҳолда бутун бошли адвокатюрга орга-нлар қандай иш билан машғул эканлар?

С. АБДУРАҲМОВ,  
«Mahalla»нинг махсус мухбири.

Яхшилар гушнани

Хусайн Воиз КОШИФИЙ

«АХЛОКУЛ МУҲСИНИН»дан

РИЗО БАЁНИДАН

(Давоми.Аввали ўтган сонда).

ризо сорий мутаважжи бўл-гай ва тадбирдин қўлин тор-ртгай.

БАЙТ: Худо тақдирга ким бўл-миш ул суд эмас таълим, Магар суд этгусудулар ри-зо ва тоат таслим.

Улуғ пайғамбарлардин бириси салаватуллоҳ алай-ҳим муножотида айт-дйким: Илоҳий менга бир йўли кўргузкимки, сенинг хушнудлигунга сабаб бўл-гай. Хитоб келдиким: Ме-нинг хушнудлигим сендан қозомга хушнуд бўлмогин-га мавқуф эрур. Вақтики, сен менинг қозомга рози бўлсанг мен ҳам сендин ро-зи бўлурман.

БАЙТ: Хар кимки рози бўлди худо-нинг қазосидин

Уа бахраманд улгуси апишг ризосидин

Хар кўнгилким, ризо ну-ри бирла равшандур, худои таолло тақдирдин юз ўги-рас, балки қозонинг хоҳи-ши бирла ошна бўлур ва қо-зодин хар намарсаки етса ани хушнудлик бирла қабул қилур. Бу сабабдин ризо ақ-лига харна машаққат ва кул-фат етган бирла малол ва паршонлик хотирларининг гирдига келмас, ва давом хушдил ва шод ком эрур.

НАЗМ:

Айяжким ҳамана ҳақ ризоси бирла хўй ҳақ эминки, Ҳамма айну фараҳ оидику изин аниг сори солмаши. Ҳазо бирла кўнганин кўнши бўйсин невидек Ойиштурган кайи бир зарф ичри шер или шукр.

ОБУНА-2002



ТАП-ТАП БИЛАН БЎЛИБ, «МАНАЛЛА»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТИБ ҚУЙМАНГ, ОҚСОҚОЛ!

ТАРИХНАВИСЛИККА ЯНГИ БИР НАЗАР

А.ҲАЙИТМЕТОВ

КЎҲНА ФАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ

Маълумки, ўтмиш-да тарихнависликда воқеа ва ҳодисаларни бир ёқлама ёритиш тамойили кучли бўл-ган.

Бу айниқса подшоҳлар ўр-тасидаги ҳарбий низолар ва урушларни тасвирлашда, уларга катта ўрин беришда яққол кўзга ташланар, жангнома жанрига онд асарларда эса лашкарбошиларни-н лак-лак душман аскарлари бил-лан курашиб, дар-дарё қон тў-кишлари, зафар қозонишлари баъзан завқу-шавқ билан тасвир-ланар, бунда айрим подшоҳлар-нинг хизматлари бурттириб кўр-сатилар, бу китобларни ўқиган китобхоналарда тарих урушлар-дангина иборат экан-да, деган-дай таассурот қолар эди. Аслида ҳаёт ўз йўлидан борган, гоҳ-гоҳ мамлакатлар ва сийсий, ҳарбий гуруҳлар орасида маълум вақт-ларда юз берган низолар ўз йўли билан ҳал бўлган, яъни халқ ўз умрини кўпроқ урушларга эмас, яратувчилик ишларига бағиш-лашга интилган. Бундай тарихий китобларга муносабат ҳам ҳар хил бўлган, дейиш мумкин. Ҳаёт та-раққитига ҳолис кўз билан қа-раган тарихчилар ўз асарларида ижтимоий сиёсий турмуш, ҳар-бий тўқнашулар билан бир қа-торда халқ ҳаётини, илм-фан, ма-даният ҳодисаларини, бозор ва иқтисод масалаларини ҳам ёри-тишга эътибор берганлар.

Биз бу ўринда шу муносабат билан Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тақирасида номи сўз санъаткорлари қаторида тилга олинган Мавлоно Абдулваҳҳоб деган шоир ва унинг бир байт шеърини тўқталиб ўқоқимиз. Мавлоно Абдулваҳҳоб Хуро-соннинг Исфаройин шаҳридан бўлиб, ўз даврининг танилиқ ки-шиларидан бўлган. У аввал Саб-заворда, сўнг Исфаройиннинг

ўзида қози лавозимида ишлаган. Қозилиқдан кетгандан кейин у кўпроқ шеър ёзиш билан шуғул-ланган. Навоий ўз тақирасининг иккинчи мажлисида унинг шоир-лик истеъдодига: «Аммо яхши таби боғ эрд», - деб юксак ба-ҳо берган.

Навоийнинг Мавлоно Абдул-ваҳҳобга шоир сифатида бундай баҳо беришининг муҳим бир са-баби шундаки, у форс-тожик шеърининг буюк намойиши Ам-ир Хусрав Деҳлавийнинг «Дар-рэйи аброр» деб аталган машҳур қондасига Абдурахмон Жо-мийдан ҳам, Алишер Навоийни-нг ўзидан ҳам олдин жавоб ёзиш-га журъат этган эди. Афтидан унинг жавоб қасидаси Навоийга маълум бўлганки, у бу қасида ҳа-қида: «Мир Хусрав «Дарёи аб-рор» жавобига бу матлаб анинг-дур», - деб ёздаи ва бу катта шеър-нинг биринчи байтини келтира-ди. Биз ўқувчиларимизнинг диқ-қатини шу байта тортмоқчимиз:

Ин Кудан авроқи к-аш зи ан жум зевар аст

Кўҳна тарихе басе шохони ан-жум лашкар аст.

Мазмуни: Бу кўҳна фалакнинг варақла-ри (мингларча) юлдузлар билан безанган бўлиб,

Кўҳна тарих (нинг ўзи) эса кўп шоҳларнинг юлдузлар (миқ-дор)ига лашкарлари тарихидан иборат.

Мавлоно Абдулваҳҳоб қаси-дасини тўла матни бизгача етиб келмаган. Хусрав Деҳлавий қаси-даси қуйдаги матла билан бошланган:

Кўси шаҳ холисо бонги гул-лаш дарди сар аст

Хар ки қонешуд ба хушку тар,- шаҳи баҳру бар аст.

Мазмуни: Подшоҳ ноғорасининг ичи бў-шу шовқин-сурони бош оғригилур.

Кимки ҳўла куруққа қанот қилса, ер юзю-ю денгизлар под-шоҳидур.

Хусрав Деҳлавий қасидаси та-саввуфий мазмунда бўлиб, бу

ўринда у подшоҳларнинг даб-дабозилигини, дунёвий шон-шухратга берилишларини қо-раламоқда. Мавлоно Абдулваҳ-ҳоб эса подшоҳларнинг кўп кў-шин тўплаб, қўллаб уруш олиб боришлари ҳамда қон тўкиш-ларини, шу орқали тарих ки-тобларига кириб ном чиқа-ришларини таъкилламоқчи.

Айни вақтда Мавлоно Аб-дулваҳҳоб ўз асарига кўпроқ ижтимоий-сиёсий маъно бе-риб, назаримда аввало шу то-мони билан Навоий эътибо-рини қозонган. Маълумки, На-воийнинг «Тухфатул афкор» қасидасининг ижтимоий-сиё-сий йўналиши ҳам шу мазму-нда. Навоий бошларига қиммат-баҳо тошлар билан безилган тожни кийиб, қон хаёллар бил-дан яшовчи хумдорларни қуйдагича тасвирлаган эди:

Оташин ласки, тожи ху-сравор зевар аст, Ахгаре баҳри хаёли хом пух-тан дар сар аст.

Мазмуни: Подшоҳларнинг бошини безаган ва лал деб аталувчи нарис аслида уларни-нг бошларидиғи хом хаёлларни пиширувчи чўдиур. Бир сўз би-лан айтганда, Мавлоно Абдул-ваҳҳоб қасидаси билан Навоий қасидаси орасида катта ғоявий яқинлик бўлиб, бу ўринда бу икки ижодкор қасидасида ҳам «зевар» сўзини қонфия сифати-да қўллангани тасодифий эмас.

Навоий шоир Абдулваҳҳоб қасидасининг матлаини мақ-таш билан унинг тарих китоб-ларида шоҳларнинг асосий эътиборини қўшин тўплашга, урушларга қаратган ва шу йўл билан шухрат қозонмоқчи бўл-ган фаолиятига тил текшириш-га журъат қилганини ич-ичи-дан қўллаб-қувватлаган. Бу эса, менинг назаримда тарих-га, тарихий шахслар фаоли-ятига ўз даврида анъанавий қа-рашдан фарқли ўлароқ янгича муносабатнинг кўринишлари-дан биридир.

ОЛАМ ТУРФА

ОШҚОЗОНМИ Ё МЕТАЛЛАР ОМБОРИ?

Эфиопиялик жарроҳлар ўтказган ноёб амалиёт туфайли бемор ошқо-зондан 200 дан ортиқ-роқ миҳ ва бошқа шун-га ўхшаш металл нар-салар олинди.

Рейтер агентлигининг ха-барига кўра руҳий касаллар клиникасидаги бир бемор ош-қозони қаттиқ оғриётганидан шикоят қилган. Текширган врачлар унинг қорнида метал-лар борлигини кўришган ва дарҳол операцияга ётқизиш-ган. 40 ёшли бу беморнинг айтишича, бу металлари у йнгирма йилдан бери яъни у биринчи марта руҳий касал-ликлар V шифохонасига кел-тирилгандан бошлаб юта бош-лаган экан.

ҚУРБИНГИЗ ЕТСА?

Тинч океанга жойлаш-ган Гавай ороллари 24 та турли хилдаги оролчалардан ташкил топган бўлиб, баъзилари хусусий му-лк ҳисобланади.

Масалан, у ердаги Нии-хаунинг сатҳи 161880 гек-тарга тенг ва бу орол АҚШ-ли Робинсонлар оиласига қарашли бўлиб унинг нар-хи 100 млн. доллардан қим-матроқ. Бироқ оила аъзолар-и ҳозирча бу мулкларини сотиш истагидега эмаслар. Ҳозир сотувга Сейше 16 ар-хинедагадиги g-Аррос орол-ига қўйилганлиги аниқ. Унинг катталиги 243 гектар бўлиб, у ерда учта турар-жой биноси, самолётлар учун кў-ниш майдони, қумлоқ бор холос. Мана шулар учун олувчи «атиғи» 21 млн. дол-лар тўласа kifфоя. Қурбин-гиз келса, марҳамат.

«ҚАЙТА ҚУРИШ» ОҚИБАТИ

Бийскдаги (Озтой ўлкаси) кўп хонадонли уйлارнинг бирва «янги рус»лардан бири кўчиб келмасдан бу-рун ҳамма нарса жойида эди.

У кўчиб келиб бир йў-лакдаги бир нечта хонадон-ни сотиб олиб уларни қайтадан «европа усулида» таъмирлашга киришди. Шу мақсадда хоналарнинг де-ворлари сурилайтганда бир йўла уч хонадоннинг ши-ни тушиб кетди. «Қайта қу-риш» янги бойга қимматга тушадиган бўлди - энди у бутун уйни таъмирлайдиган бўлди.



Келаси йил ҳам «МАНАЛЛА»га обуна «беш» бўлади!

Тугён

...ҚАЛАМЛАРГА АЛАМ ҚИЛСИН

Кел, тунигни нурга тўлдир, моҳичехрам, Ой чиқмаган кечаларга алам қилсин. Юрагининг соҳилида солланиб юр, Сен юрмаган кўчаларга алам қилсин.

Ёвшан ҳидли адирларни сайр этайлик, Жами гўзал шаҳарларга алам қилсин. Шакар томган сўзларингдан ичай қониб, Айтган сўзи захарларга алам қилсин.

Кел, ё борай, мактубларга қолмасин кун, Қоғоз бирла қаламларга алам қилсин. Менинг тансиқ шодлигимга ганим бўлган Ҳасрату гам, аламларга алам қилсин. Кел, жонгинам...



ГЎЗАЛЛИК ҚАРШИДА...

Нимадан энтиқдинг, юрагим, Не учун ороминг бузилди? Хонангдан чиққудай бўлисан, Айт, қандай ҳаяжон сезилди?

Қаърингда жим ётган кўҳна ишқ, Сапгина кўзгаиб қўйдими? Баридан тўйсан ҳам, севгининг Ҳеч бўлмас экан-да «тўйим»и

Гурсиллаб уришинг - зилзиланг Титратиб юборди танамни. Эҳ, сени шу қўйга солдимки, Бир қиё боқиси санамнинг?!

Юрагим, беҳуда ҳаприкма, Қулоқ тут замона зайлига. Ва лекин шул санам қошида Ёрилиб кетсанг ҳам майлига.

Ҳасан АЛМАТОВ.

ҲАСАД

(масал)

Бўри билан Қашқир эдилар сирлош, Биринча кекса, биринча ўрта ёш. Бўлганда ўзаро улар ҳамсўбат, Қўпакнинг устидан бошларан гийбат.

Бўри дер: - Ноқаснинг омадин қара, Тўшунг остида қўй тўла қўра. Ҳастақўй ҳасад-ла тамашиб дейди: - Истаган бирини бўғизлаб ейди -

Тасаввур қилишмас йиртқилар ҳайёт. Насли тоза итга бундай одаёт ёт. Кимки бўлса ўзи ўри, мутаҳкам, Нопок деб ўйлайди ўзгаларни ҳам.

Зикрилла ОХУН, Қашқардаё вилоти, Косон шаҳри, Лолзор маҳалла фуқаролар ййғинининг раиси.

Она табият оқил табиб

ДАЛАЧОЙ

Шифобахилиги бизнинг эри-мизгача бўлган V-IV асрлар-даёқ қадимки юнон олим-ҳа-кимлари томонидан эътироф этилган ва қатор хасталар-га даво сифатида қўллани-ладиган, юзга яқин тури бўл-ган бунга ёки чала бунга ҳо-лида ўсабидан далачой дун-нинг бошқа минтақалари қато-ри Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам учрайди.

Адилар пойнда, ўтлоқлар ва йўл бўйларида ўсиб, буйи бир метрга етдиган далачой июн-ав-густ ойларида гуллайди, июл-сеп-тябрда уруғи пишиб, етилади. Гул-лари беш қосача барглари билан иборат бўлиб, унингчи буйимдан тепа қисматида шохларидигина гуллар ҳосил бўлади.

Хомаше сифатида усимликни-нг юқори шохлари айни гуллаган пайтда ток қайчи ёки ливок бил-дан танандан чиққан шох қисми 25-30 сантиметр бўйимлари қир-қилади. Териб олинган ўт қон ёки саватта солиниб, дарҳол қуритиш учун жўнатилади. Дала чой шифобахш доривор сифатида айво-нда ёхуд селвизак ўтиб турдиган хо-на ичида қуритилади. Гул ва ба-рглари димқиқиб, чиримаслиги учун тағига албатта қороз, чиг, сетка солини ва вақти-вақти билан ағ-дарий турши лозим. Сақлаш қо-ндларига эътибор берилса, дала чой рангини ўзгарттирмайди.

Далачой ўти таркибида ранг-баранг биологик фиол моддалар-гилеринин, флавоноидли гликозид-лар, ошловчи моддалар, эфир мойлари, аскорбин кислотаси, ви-тамин РР, каротин, қанд, микро-элементлар мавжуд.

Ана шу мўжизали гиёҳни табибимиз бобокалонии ибн Си-но оғриқ қолдирувчи, сийдик ҳайдовчи, турли яра ҳамда жаро-ҳатларни тўзатувчи дори сифати-

да ишлатган бўлса, халқ табиба-тида дезинтециялар, меъда-ичак оғриқлари, меъда яллиғланиши, жигар, ўпка ва юрак хасталик-ларини даволашда тасвиф қилдиган. Усимлик хомашеёнида тайёрлан-ган дамамалар сўзак, буйрак то-ши, қин ва бачадон хасталклари муолажасида қўл келган. Дала чой шунингдек, грип, ангина, ревма-тизм, суякларнинг қақшаб оғри-ши ҳамда кечаси сийдик тутта бил-маслик ҳолатларидан халос бў-лишда ҳам илҳобий натижага бе-ришлиги амалиётда исботланган.

Олимлардан Р.М.Середина ва С.Д.Соколовларнинг маълумотла-рига қараганда, далачойнинг спи-ртли настойкаси меъда ичак йў-ли, бош оғриги ҳамда бавосир хас-таларини даволашда қўл келади. Бунинг учун 15 гр. қуритилган да-лачой ўти бир стакан арқоқ со-линиб, 10 кун давомида дамлаб қўйилади. Сунгра ҳар кун уч ма-ҳал 30 томчиладан ичилади.

Милкларни мустаҳкамлаш, оғиз бўшлиғидиғи ноҳуш ҳиллар-дан халос бўлиш учун далачой настойкаси суялтирилиб оғиз чайилади.

Бир стакан қайноқ сув оғзи ёпиладиган доривор препаратлар ўткир ва сурикани колитни, има-нини препарат иккинчи, унингчи даражали кўйишни, терининг ял-лиғланишини, оғиз бўшлиғини да-волашда қўлланилади.

Бутунчи кунда дорихоналарда саноят асосида ичмак қоғоз хал-талар ва кутчаларда ишлаб чи-қариладиган «Далачой» ўтлари соғиш-моқда. Ундан қандай фойдаланиш йўллари ёриқларидиға кўрсатилган.

Сканворда (Crossword puzzle) with a grid and clues in Uzbek. Includes a cartoon illustration of a man reading.

Ҳақиқатда... (Facts about the dala-choy herb). Includes a detailed illustration of the plant and its uses.

MANALLAга обуна бўлиш учун ҳали эрта ёки кеч деб ўйламанг!

MANALLA Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати: Шўҳрат ЖАЛИЛОВ, Иброҳим РАХИМ, Расул РАҲМОНОВ, Бош муҳаррир Уринбосари), Рустам ҚОСИМОВ.

Масъул қотиб: Аслиддин БҮРИЕВ

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.